



МАТОНАТЛИ СПОРТЧИЛАРГА ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 13 сентябрь куни XVII ёзги Паралимпия ўйинлари ғолиб ва совриндорлари билан учрашди.



Тадбирда Миллий Паралимпия қўмитаси ва спорт федерациялари раҳбарлари, мураббийлар, спортчиларнинг ота-оналари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Маълумки, мазкур мусобақа 28 августдан 8 сентябргача Франция пойтахти Париж шаҳрида бўлиб ўтди. Унда 168 та давлатдан 4 минг 400 га яқин паралимпия-

чилар қатнашди. Ўзбекистондан 9 та спорт тури бўйича 65 нафар йигит-қиз иштирок этди.

Олимпиадада бўлганидек, Паралимпия ўйинларида ҳам мамлакатимиз учун ютуқлар, рекордлар кўп бўлди. Вакилларимиз 10 та олтин, 9 та кумуш, 7 та бронза — жами 26 та медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида дунёда 13-ўринни,

Осиё қитъасида 3-ўринни, туркий ва ислом мамлакатлари ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги бўйича 1-ўринни эгаллади.

Президент спорт жамоатчилигини ушбу натижалар билан халқимиз номидан табриклаб, нутқ сўзлади.

— Паралимпия ўйинлари — бу чинакам ирода, жасорат ва матонат, эзгулик ва гуманизм намоиши. Сиз юксак марраларни



эгаллаб, мусобақаларнинг ҳақиқий қаҳрамонларига айландингиз. Ўзбекистон ўз спорт тарихида кўп-кўп ютуқ ва зафарларни кўрган. Лекин Паралимпия ўйинларида бундай рекорд натижа илгари бўлмаган эди, — деди Шавкат Мирзиёев.

Қайд этилганидек, Японияда бўлиб ўтган аввалги Паралимпиададан сўнг келгуси сафар кучли ўн бешта давлат қаторига кириш

мақсад қилинган эди. Ўтган йиллар давомида бу йўлда катта тайёргарлик кўрилди. Ижтимоий давлат тамойилига мувофиқ, ногиронлиги бўлган спортчиларга барча шароитлар таъминлаб берилди. Ният ортиги билан ижобат бўлиб, мамлакатимиз дунёда 13-ўринни эгаллади.

Жумладан, ядро улоқтириш баҳсларида олтин медаль олган Хусниддин Норбеков

уч карра Паралимпия чемпиони бўлди. Яна бир ядро улоқтирувчиси Бобиржон Омонов ва дзюдочи Шерзод Намозов иккинчи бор бундай ғолибликка сазовор бўлди.

➤ **Давоми 2-бетда**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ПАРИЖДА БЎЛИБ ЎТГАН XVII ЁЗГИ ПАРАЛИМПИА ЎЙИНЛАРИДА ИШТИРОК ЭТГАН ЎЗБЕКИСТОН СПОРТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВДАГИ НУТҚИ

Қадрли ватандошлар!

Қаҳрамон ўғил-қизларим!

Хурматли устоз-мураббийлар, муҳтарам ота-оналар!

Шу кунларда жонажон юртимиз катта байрам шуқуҳи билан яшамоқда.

Сиз, азиз спортчилар Франциянинг Париж шаҳрида бўлиб ўтган XVII ёзги Паралимпия ўйинларида рекорд натижаларга эришиб, мамлакатимизга мана шундай байрам руҳини олиб келдингиз.

Барчангизни оламшумул ютуқ ва натижаларингиз билан ўз номидан, эл-юртимиз номидан чин юракдан самимий табриқлайман.

Муҳтарам дўстлар!

Ушбу халқаро спорт анжуманида дунёнинг 168 та давлатидан 4 минг 400 га яқин энг кучли ва маҳоратли спортчилар иштирок этгани унинг нуфузи ва миқёси нақадар улкан эканидан далолат беради.

Шу маънода, Паралимпия ўйинлари — бу чинакам ирода, жасорат ва матонат, эзгулик ва гуманизм намоиши, десак, тўғри бўлади.

Сиз, азму шижоатли фарзандларимиз ғоят кескин беллашувларда юксак

марраларни эгаллаб, мусобақаларнинг ҳақиқий қаҳрамонларига айландингиз.

Ўзбекистон жамоаси 10 та олтин, 9 та кумуш, 7 та бронза медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида 13-ўринни, Осиё қитъасида 3-ўринни, туркий ва ислом мамлакатлари ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги бўйича 1-ўринни эгаллагани буни яққол тасдиқлаб турибди.

Маълумки, Ўзбекистон ўз спорт тарихида кўп-кўп ютуқ ва зафарларни кўрган. Лекин Паралимпия ўйинларида бундай рекорд натижа илгари ҳеч қачон бўлмаган эди.

Бу — сизларнинг тинимсиз меҳнатингиз, букилмас иродангиз, истеъдод ва маҳоратингиз самарасидир.

Бу — юртимизда инсон қадрини амалда таъминлашга қаратилган тизимли ишларимиз натижасидир.

Ўз Ватанини жону дили билан севадиган, метин иродали, юрагида ўтга бор инсонларгина шундай улуг ишларга қодир бўлади.

Халқимиз сизлар билан чексиз фахрланади.

Катта раҳмат сизларга!

Хурматли анжуман иштирокчилари!

Биз Токио Паралимпия ўйинларидан сўнг кейинги сафар албатта кучли “ўн бешталикка” кирамиз, деб эзгу ният қилган эдик.

Ўтган йиллар давомида шу мақсад йўлида тинимсиз меҳнат қилдик. Спортчиларимиз учун барча зарур шароитларни яратиб, юксак марралар учун пухта замин тайёрладик.

Натижада Ўзбекистон бу йилги Паралимпия ўйинларида биринчи марта энг кўп таркиб билан, яъни 9 та спорт тури бўйича 65 нафар спортчи билан иштирок этди.

Айниқса, паравелоспорт бўйича вакилларимиз ушбу мусобақаларда илк бор қатнашганини алоҳида эътироф этиш лозим.

Албатта, Паралимпия ўйинларида эришилган ҳар бир ютуқ, ҳар бир натижа бекиёс аҳамиятга эга. Чунки тўрт йилда бир марта ўтқани бундай йирик халқаро мусобақа оралиги дунё ҳамжамияти ҳар бир қатнашчи мамлакатда инсоннинг жисмоний ва маънавий салоҳиятини рўёбга чиқаришга қандай эътибор қаратилаётганига баҳо беради.

Шу боис, сизлар тарихий ютуқларингиз билан Ўзбекистон шаънини, юртимиз нуфузини юксак босқичга олиб чиқдингиз, десак, ҳақиқатни айтган бўламиз.

Муҳтарам юртдошлар!

Бугун Паралимпия яқунларини таҳлил қилар эканмиз, аввало, эришилган рекорд натижаларга ургу беришимиз табиий, албатта.

Аввало, шунга таъкидлаш керакки, ушбу Паралимпиадада юртимиз вакиллари жами бўлиб 26 та медални қўлга киритиб, тарихий рекорд ўрнатдилар. Бундай мислсиз, ёрқин галаба Ўзбекистон тарихига олтин ҳарфлар билан муҳрланди.

Бу ҳақда гапирганда, афсонавий енгил атлетикачимиз Хусниддин Норбековнинг мамлакатимиз тарихида биринчи марта уч карра Паралимпия чемпиони бўлганини, шу билан бирга, янги рекорд ўрнатганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Паҳлавон ўғлонларимиз Бобиржон Омонов ва Шерзод Намозов ядро улоқтириш ва дзюдо бўйича иккинчи бор олтин медалларни қўлга киритдилар. Бобиржон эса Паралимпия рекордини ҳам янгиллагани юксак эътирофга лойиқ.

Мана, бизнинг қандай баҳодир фарзандларимиз бор!

Айни вақтда юксак матонатли қизларимиз ҳам Ўзбекистон галабасига муносиб ҳисса қўшганлари тўғрисида ҳар қанча гуруҳ ва ифтихор билан гапирсак арзийди, албатта. Жамоамиз қўлга киритган медалларнинг 11 таси айнан қизларимиз ҳисобига ёзилгани ҳам бу фикрни яққол тасдиқлайди.

Шижоатда тенгсиз қизларимиз Асила Мирзаёрова узунликка сакраш, Нурхон Қурбонова эса найза улоқтириш бўйича Паралимпия чемпионлари бўлдилар. Улар ўз натижалари билан ушбу ўйинлардаги ва жаҳон миқёсидаги рекордларни ҳам янгиллаганига қўйил қолмасликнинг иложи йўқ.

Нурхон қизимиз айни пайтда ядро улоқтириш бўйича бронза медални ҳам қўлга киритди ва иккита медаль соҳибасига айланди.

15 яшар навқирон қизимиз — Шаҳинахон Йиғиталиева кумуш медални қўлга киритиб, Паралимпия ўйинларидаги энг ёш совриндор сифатида тарихга кирди.

Офарин сизларга, она қизларим!

Барака топинглар, доимо бахтингизни, омадингизни берсин!

Моҳир спортчимиз Толиббой Йўлдошев ҳам бир йўла иккита маррани забт этди. Қўриб турганингиздек, унинг кўксига ҳам олтин ва бронза медаллар нур сочиб турибди.

Яна бир қаҳрамонимиз, икки карра Паралимпия чемпиони Ёрқинбек Одилов найза улоқтириш бўйича Осиё рекордини янгиллади.

Бугун мана шу тантанали маросимда Қудратиллохон Маъруфхўжаев, Элбек Султонов, Асадбек Тоштемиров, Шерзод Намозов каби ўғлонларимизни ҳам олтин медаллар билан яна бир бор чин юракдан қўтлаймиз.

Қаҳрамон спортчиларимиз эришган ютуқлар ҳақида тўлиб-тошиб, яна узоқ гапириш мумкин.

Пўлат иродали қизимиз Рўза Қўзиева пауэрлифтинг бўйича кумуш медални қўлга киритди. Аслида, бу олтинга тенг галаба эканини бутун дунё тан олди.

Таъқводо бўйича терма жамоамиз биринчи марта Паралимпия ўйинларида 3 та медални қўлга киритди ва умумжамоа ҳисобида 3-ўринни эгаллади.

➤ **Давоми 2-бетда**

Муносабат

ФАРОВОНЛИККА ЭЛТУВЧИ УМУММИЛЛИЙ ҲАРАКАТ



Адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, аҳолининг эҳтиёжманд қатлами ми муҳофазалаш мамлакатимиздаги ислохотларнинг муҳим йўналишига айланди. Кейинги йилларда бу борада кенг камровли чора-тадбирлар кўрилмоқда. Камбағаллик муаммоси борлиги тан олиниб, уни қисқартириш бўйича алоҳида тизим жорий қилингани муҳим қадамлардан бўлди.

➤ **Давоми 3-бетда**

Долзарб мавзу

СТРАТЕГИК МАСАЛАГА АЛОҲИДА ЁНДАШУВ

ёхуд ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИГА ҚАРАТИЛАЁТГАН ЭЪТИБОР ХУСУСИДА

Мамлакатимизда охириги уч йилда импорт ўрнини босувчи 75 турдаги янги маҳсулотлар чиқарилиб, импорт ҳажми 7,4 фоизга камайди. Республикаимиз sanoatida oziq-ovqat ishlab chiqarishining ulushi 14 foizdan 16,6 foizga kўpaydi.

Президентимизнинг 2024 йил 16 февралдаги “Республикада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида келтирилган ушбу рақамлар юртимизда аҳолини сифатли ва етарлича маҳсулотлар билан таъминлашга катта

эътибор қаратилаётганини англатади. Фармонда, шунингдек, қилиниши лозим бўлган бир қатор вазифалар ҳам белгилаб берилдики, бу мазкур масала узвий ва изчил эътиборда эканини билдиради.

➤ **Давоми 4-бетда**



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz

2024 йил 14 сентябрь, 187-сон

ФАРОВОНЛИККА ЭЛТУВЧИ УМУММИЛЛИЙ ҲАРАКАТ

Муносабат

“

Юртимизда бу ишлар 2020 йилда бошланган эди. Ўшанда 7,5 миллион ёки 23 фоиз аҳолининг даромади камбағаллик чегарасига етмасди. Ўтган йилларда 3,5 миллион одамни даромадли қилиш орқали 2023 йил якуни билан камбағаллик даражаси 11 фоизга тушди.



Баҳор ХИДИРОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бошланиши 1-бетда

Президентимиз раислигида камбағалликни қисқартириш ишларини кейинги сифат босқичига олиб чиқиш масалалари муҳокамаси бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида ушбу йўналишда қилинаётган ишлар таҳлил этилиб, истиқболдаги вазифалар белгиланди.

Таъкидланганидек, юртимизда бу ишлар 2020 йилда бошланган эди. Ўшанда 7,5 миллион ёки 23 фоиз аҳолининг даромади камбағаллик чегарасига етмасди. Ўтган йилларда 3,5 миллион одамни даромадли қилиш орқали 2023 йил якуни билан камбағаллик даражаси 11 фоизга тушди.

Бу йўналишда охириги беш йилда илгор хорижий ёндашувлар ҳамда мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, энг кўли бўгин — маҳалла даражасига тушган ҳолда камбағалликка қарши курашиш бора-сида муваффақиятли тажриба яратилди. Энг аввало, аҳоли даромадларини оширишда фуқароларнинг касб-хунар эгаллаши ва ўз бизнесини бошлашига кўмаклашиляпти.

Маҳалладаги ҳоким ёрдамчилари бу борада аҳолига ҳар томонлама кўмак бермоқда. Биргина хотин-қизларнинг тадбиркорлик та-

шабусларини қўллаб-қувватлаш йўналишида жорий йилнинг ўтган даврида 88 минг хотин-қизга 1 триллион 300 миллиард сўм имтиёзли кредит ажратилган. Бу республика бўйича имтиёзли кредит олувчиларнинг 56 фоизини ташкил этади. Натижада аёллар орасида тадбиркорлар сафи кенгайиб борапти. Улар нафақат оила аъзолари ва яқинлари, балки маҳалладаги ишсиз хотин-қизлар ва ёшлар бандлигини таъминлашга ҳам ҳисса қўшмоқда.

Пойтахтимиздаги “Янги ҳаёт хайрия фонди” масъулияти чекланган жамияти



раҳбари Дилбар Расулова шундай юртошларимиздан бири. Дилбар опанинг асл касби ҳисобчи. У узоқ йиллар шу соҳада ишлади. Охириги йилларда тадбиркорлик ривожига бора-сида яратилаётган имкониятлар кўплар қатори уни ҳам ўз бизнесини бошлашга ундади. Дастлаб тикувчиликни ўрганиб, кичик цех очди. Ҳозир фаолиятини кенгайтириб, оёқ кийим ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Замонавий уй-жойлар қурилиши соҳасида ҳам ишлашга тараддуд қўрмоқда. Ҳозир у раҳбарлик қилаётган корхонада 15 киши ишляпти. Тадбиркор келгусида фаолиятини

янада кенгайтириш ва иш ўринларини кўпайтиришни мақсад қилган.

— Жамиятимиздаги долзарб муаммо — камбағалликни бартараф этиш ва аҳоли бандлигини таъминлашда тадбиркорликни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга, — дейди Д.Расулова. — Бу масалага алоҳида эътибор қаратилаётгани боиси ҳам шунда. Биз, тадбиркорларнинг вазифамиз эса бундан оқилона фойдаланиб, юртимиздаги ислохотларга кўмаклашиш орқали иқтисодиётимиз барқарорлигини таъминлашга ҳисса қўшишдир.

Камбағалликни бартараф этишда аҳолининг яшаш шaroитини яхшилаш, таълим ва тиббий хизматлар кўлами ва сифатини ошириш ҳам муҳим. 2024 йилнинг ўзида богча ва мактаблар барпо қилиш, тиббий хизматни кенгайтириш, маҳаллаларда ичимлик сув, электр энергияси, йўл инфратузилмасини яхшилаш учун бюджетдан 31,5 триллион сўм ажратилди.

Ижтимоий ҳимоя тизими кучайтирилиб, давлат кўмагига муҳтож оилаларга сифатли хизматлар кўрсатиш кўлами кенгайди. Шу мақсадда Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилди, туманларда “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари фаолияти йўлга қўйилди. Натижада 2 миллион 300 мингдан зиёд муҳтож оила, хотин-қиз, ёлғиз кекса ва ногиронлиги бўлган шахслар қафолатланган ижтимоий ҳимоя билан қамраб олинди. Бу 2017 йилдагига нисбатан 4 баробар кўп демакдир.

Муҳим ютуқларимиздан яна бири болалар ўртасида камбағаллик кўрсаткичи камайганидир. Ижтимоий келиб чиқишдан қатъи назар, юртимиздаги барча болаларнинг ҳар томонлама етук инсон бўлиб қамол топиши учун зарур шароитлар яратилмоқда. Хусусан, кейинги йилларда болаларнинг мактабгача таълим билан қамров даражаси 27 фоиздан 74 фоизга оширилди. Болалар ўртасидаги

камбағаллик даражаси охириги уч йилда 22 фоиздан 14 фоизга пасайди.

Бундан ташқари, ёшларни юқори даромадли ва замонавий касбларга ўқитиш бўйича кенг кўламли ишлар қилинмоқда. Масалан, “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси амалга оширилди, ҳар бир туманда Ахборот технологиялари марказлари фаолияти йўлга қўйилди.

Бу йўналишда илгор хорижий услублар ва янги тажрибаларни ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда жаҳон миқёсида қўлланилаётган илгор тажрибалардан бири кўп ўлчовли камбағалликни жорий этишдир. Бунда камбағалликка олиб келадиган сабабларни аниқлаш, уларнинг таъсирини баҳолаш ва ҳар бир мамлакатда уларни бартараф этишга қаратилган чоратадбирларни қўллаш муҳим роль ўйнайди.

Оксфорд камбағалликка қарши курашиш ва инсон капиталини ривожлантириш ташаббуси (ОРПН) ва БМТ Тараққиёт дастури томонидан глобал кўп ўлчовли камбағаллик индекси (МРІ) жорий этилган. Унда аҳоли дуч келаётган камбағалликнинг тарқалиши ва интенсивлигини баҳолаш учун соғлиқни сақлаш, таълим ва турмуш даражаси кўрсаткичларидан фойдаланилади. МРІ Инсон камбағаллиги индексининг ўрнини эгаллаб, ривожланаётган 100 дан зиёд мамлакатда аллақачон қўлланилмоқда.

Камбағалликка қарши курашда саъй-ҳаракатларни бирлаштириш ва тажриба алмашиш мақсадида 2013 йилда 63 та мамлакат ва 30 дан зиёд халқаро ташкилотдан иборат Кўп ўлчовли камбағаллик бўйича глобал

ҳамкорлик тармоғи ташкил этилган, у камбағалликни қисқартириш бўйича янада самарали чора-тадбирлар ишлаб чиқиш учун кўп ўлчовли камбағалликни баҳолашда сиёсатчиларга ёрдам беради. Ушбу тармоқ доирасида ҳар йили дунёнинг турли давлатларида учрашувлар ўтказилмоқда. Жорий йилдаги шундай йирик халқаро тадбир мамлакатимизда бўлиб ўтгани алоҳида аҳамиятга эга. Унда қатнашган 60 дан ортиқ давлат экспертлари юртимизда қисқа муддатда бу борада яратилган тажрибани юқори баҳолади.

Видеоселектор йиғилишида бу йўналишдаги ютуқлар қаторида муаммолар ҳам атрофлича таҳлил этилди. Қайд этилганидек, камбағалликни фақат пул тарқатиш билан ҳал қилиш имконсиз. Бунинг учун камбағал оила аъзоларини ўқитиш, касбга ўргатиш ва иш билан таъминлаш керак.

Шунингдек, камбағалликка тушиш сабаблари ҳар хил экан, ечимни ҳам алоҳида-алоҳида бўлиши кераклиги кўрсатиб ўтилди. Камбағалликни қисқартириш бўйича кейинги йиллар учун жуда катта ҳужжат — “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури тайёрланаётгани маълум қилинди. Унда еттига имконият ва масъулият тамойили асосида Ўзбекистоннинг навбатдаги кийинги ёндашувлари белгилаб берилади. Қисқа қилиб айтганда, бундан бўён камбағалликни қисқартириш умуммиллий ҳаракатга айланади.

Ушбу эзгу мақсадларга эришиш учун мутасаддиларга ҳар бир маҳаллани тўлиқ ҳатловдан ўтказиб, улардаги “камбағал оилалар портрети”ни ишлаб чиқиш топширилди.

Нуқтаи назар



Ғолиб АБДУСАЛОМОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Жорий йил 11 сентябрь куни Президентимиз раислигида камбағалликни қисқартириш ишларини янги сифат босқичига олиб чиқиш масалалари бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Унда тўрт йил аввал бу борадаги ишлар бошланганида 7,5 миллион ёки 23 фоиз аҳолининг даромади камбағаллик чегарасига етмаслиги, шу даврда аҳолимиз 3,7 миллион кўпаягани, камбағаллик чегараси ҳам тегishi равишда 1,5 карра ошгани қайд этилиб, 3,5 миллион одамни даромадли қилиш ҳисобига 2023 йил якуни билан камбағалликни 11 фоиз пасайтиришга эришилгани таъкидланди.

Албатта, камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини таъминлашда энг кўли тизим бўлган маҳаллаларда иш “хонадонбай”

МАҲАЛЛАЛАР ШАРОИТИНИ ЯХШИЛАМАСДАН КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИБ БЎЛМАЙДИ

олиб борилиши муҳим аҳамият касб этмоқда. Йиғилишда Президентимиз маҳаллаларда камбағалликни қисқартириш, тадбиркорлик лойиҳаларига 35 триллион сўм арзон кредит, 7 триллион сўм субсидия берилганини алоҳида айтиб ўтди. Бунинг натижасида ҳудудларда ишсизликдан холи маҳаллалар сони ортиб бораётганини эътироф этиш жоиз.

Бу борада “маҳалла еттилиги” фаолияти энг муҳим омиллардан. Президентимиз айнан шу жиҳатга эътибор қаратиб, бундан кейин камбағалликни қисқартириш бўйича “еттилик” масъулиятини ошириш лозимлигига тўхталиб ўтди. Дарҳақиқат, маҳаллаларда камбағалликни қисқартириш учун, аввало, оилаларни “хонадонбай” ўрганиш ва ҳақиқий муҳтожларни аниқлаб олиш лозим. Давлат томонидан бир неча бор моддий ва бошқа турдаги кўмаклар кўрсатилиб, имтиёзли кредитлар ажратилган ҳолда оилавий тадбиркорлигини йўлга қўйиш учун кўмак кўрсатилса-да, боқиманда қайфиятда бўлган айрим фуқаролар ҳануз камбағаллик ҳолатида қолмоқда ва берилган имкониятлардан самарали фойдаланмаяпти.

Шунинг учун Президентимиз йиғилишда, аввало, бундай боқиманда қайфиятдаги фуқароларнинг онгини, дунёқарашини ўзгартириш лозимлигини, зарур бўлса, касб-хунарга ўқитиш орқали камбағалликдан чиқариш кераклигини алоҳида таъкидлади. Айнан шу жиҳатдан ҳам “маҳалла еттилиги” ва камбағал оилаларга бириктирилган раҳбарлар бу масалага ёндашуви ўзгартириш лозим бўлади.

Камбағал, эҳтиёжманд ёки ногирони бор оилаларга аризмаган кўмак кўрсатиб, фақат кўлиб учун видео ёки суратга тушириб, кейинчалик уларни ўз ҳолига ташлаб қўйган масъуллар ҳам йўқ эмас. Бу оилаларни доимий даромад манбаи билан таъминлаш ва камбағалликдан чиқариш масаласи эса ҳисобот учун суратга тушаётган айрим мутасаддиларнинг ҳаёлига ҳам келмаган. Энди бу ҳолатларга йўл қўйилмади ва Президентимиз бу борада амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар, вазифаларни вазирликлар, вилоят ҳокимлари, ташкилотлар, шаҳар ва туманлар сектор раҳбарлари, “маҳалла еттилиги”га аниқ қилиб белгилаб берди.

“

Вилоятни ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш мақсадида 2024 йилнинг биринчи ярмида 44,4 минг кишининг бандлигини таъминлаш режалаштирилган бўлиб, амалда 51,7 минг киши ишли қилинди.



Новоий вилоятдаги жами 330 та маҳалланинг ҳар бирига вилоят ҳокимлиги ва ташкилотлар раҳбарларидан масъуллар бириктирилган бўлиб, камбағал оилалар қандай қилиб бу ҳолатга тушгани сабабларини аниқлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, доимий даромадли иш билан таъминлаш, томорқа маданияти ва оилавий тадбиркорлигини йўлга қўйиш учун зарур кўмак берилмоқда.

Вилоятда жорий йил январь-июнь ойлари мобайнида 1,6 мингта янги тадбиркорлик субъекти ташкил этилиб, улар сони 27 мингтага етказилди. Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 2 триллион сўм кредит йўналтирилиб, шундан 354,5 миллиард сўми хотин-

қизлар, 155,7 миллиард сўми ёшлар учун ажратилди.

Вилоятни ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш мақсадида 2024 йилнинг биринчи ярмида 44,4 минг кишининг бандлигини таъминлаш режалаштирилган бўлиб, амалда 51,7 минг киши ишли қилинди.

— “Сайхунбод тажрибаси” ва “Уйчи тажрибаси” бутун ўз самарасини бермоқда. Жумладан, “Сайхунбод тажрибаси” асосида вилоятдаги 330 маҳалладан 2132 та хонадон ажратиб олинди, уларнинг даромадини ошириш мақсадида тижорат банклари томонидан 3451 та молиявий лойиҳа пакети тайёрланди. Натижада хонадонларда томорқадан олинаётган даромад 50-60 миллион сўмга чиқарилиб, 4513 кишининг бандлиги

таъминланди. “Уйчи тажрибаси” асосида эса банклар томонидан миқозларнинг 1417 та масаласи ҳал этилди ва бунинг натижасида 19 минг 128 та доимий иш ўрни яратилди. Маҳаллаларда 4 мингдан зиёд микролойиҳага 129,8 миллиард сўм кредит ажратилди ҳамда 8 мингта янги фуқароннинг бандлиги таъминланди. Шунингдек, бизнестга биринчи қадам йўналишида 27 миллиард сўм, оилавий тадбиркорлик дастури доирасида 7129 та фуқаро ва субъектга 165,4 миллиард сўм кредит ажратилди, — дейди Новоий вилоят камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси бошлиғи Лутфулло Ҳайруллаев.

Вилоятдаги ушбу чора-тадбирлар натижа-сида камбағал оилалар ва ишсизликдан тўлиқ холи маҳаллалар сони кўпайиб бормоқда. Хусусан, Кармана туманидаги айни вақтда 3 минг киши яшаётган Мирсаид Баҳром маҳалласи тўлиқ ишсизликдан холи ҳудудга айланган. Маҳаллада меҳнатга лаёқатли фуқаролар сони 1248 нафарни ташкил этиб, барчасининг бандлиги таъминланган. Жумладан, 2023 йилда 117 кишидан 37 нафари доимий ишли бўлди, 80 нафари ўзини ўзи банд қилди. Жорий йилнинг ўтган даврида 268 фуқародан 154 нафари доимий, 9 нафари мавсумий ишга жойлаштирилган, 104 нафари кредит олиб, ўзини ўзи банд қилган, 1 нафари субсидия ажратиш ҳисобига иш билан таъминланган.

— “Маҳалла еттилиги” ташкил этилиб, вазифалари аниқ белгилаб берилгани ҳудудларда тадбиркорликни ривожлантириш, муаммоларни ўз вақтида ижобий ҳал этиш, аҳоли бандлигини таъминлашда янги босқични бошлаб берди. Авваллари маҳалламизда тадбиркорлик субъектлари озчилиги ташкил этган бўлса, бугунги кунда янгидан ўз ишини бошлаган тадбиркорлар сони 120 нафарга етди. Шунингдек, субсидия асосида ишсиз фуқароларга асбоб-ускуналар ва меҳнат қуроллари берилиб, уларнинг бандлиги таъминланди. Маҳалламизда камбағал оилаларга “еттилик” томонидан барча зарур кўмаклар кўрсатилгани натижасида ҳозир улар ҳам ўз доимий даромадларига эга бўлди, — дейди Мирсаид Баҳром маҳалласи раиси Шокир Каримов.

Ушбу маҳалладан 47 киши хорижга ишлашга кетган бўлиб, айни вақтда уларни юртга қайтариш ва бандлигини таъминлаш чоралари кўрилмоқда. Шунингдек, ногиронлиги бўлган 56 фуқаро, “Аёллар дафтари”га киритилган 72 хотин-қиз ва “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшлар билан манзилли равишда ишланиб, уларга ҳар томонлама кўмак кўрсатилмоқда.

2022 йилда ушбу маҳаллада Бехзод Савуров ҳоким ёрдамчиси сифатида иш бошлади. Маҳаллада камбағалликни қисқартириш ва ишсизликдан холи ҳудудга айлантиришдаги фаолияти бутун вилоятга намуна қилиб кўрсатилмоқда. Машаққатли меҳнати, фидойилиги муносиб рағбат ва раҳматини ҳам топиб, Бехзод Савуров мустақиллигимизнинг 33 йиллиги арафасида “Шуҳрат” медали билан тақдирланди.

— Маҳалламиз драйвери сифатида хизмат кўрсатиш соҳаси белгиланган. Шунинг учун ҳудуддаги объектлар тадбиркорларга фойдаланиш учун берилмоқда ва ишга туширилмоқда. Маҳалла ҳудудида бўш турган биноларга тадбиркорларни жалб қилиш орқали савдо ва хизмат кўрсатиш марказлари ташкил этилди. Янги лойиҳаларни ишга тушириш ва имтиёзли кредитлар ажратилиши ҳисобига 200 га яқин иш ўрни очилди. Ҳозир маҳалламизни тўлиқ ишсизликдан холи ҳудудга айлантирганмиз, — дейди Бехзод Савуров.

Президентимиз видеоселектор йиғилишида “Одамларга қанча ёрдам бермайлик, маҳаллалар шароитини яхшиламасак, камбағаллик қисқармайди”, дея алоҳида таъкидланди. Шу мақсадда келгуси йилда маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантиришга барча манбалардан 1,6 миллиард доллар ажратилиши айтилди. Ушбу маблағнинг 1,2 триллион сўми, аввало, энг оғир 300 та маҳаллада сув насослари ва кўёш панеллари ўрнатишга берилди. Яна 2 триллион сўм ҳисобидан энг оғир 500 та маҳаллада электр, йўл, интернет ва бошқа инфратузилма масалалари ҳал этилади. Бу ишларни амалга ошириш учун вазирлар, ўринбосарлари ва маслаҳатчилари, бошқарма бошлиқларидан иборат 250 раҳбарга энг оғир 1 мингта маҳалла боглаб берилиши таъкидланди. Шунингдек, вилоятдаги 2 минг ва тумандаги 12 минг раҳбарнинг ҳар бирига шароити энг оғир 5 тадан оила бириктирилади.

Кўриниб турибдики, энди маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш, камбағалликни қисқартириш ва ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш бўйича буткул янгича тизим йўлга қўйилди. Президентимиз йиғилишда таъкидлаганидек, камбағалликни қисқартириш умуммиллий ҳаракатга айланади.

“Кишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги халқ фаровонлиги, иқтисодийёт барқарорлиги асосидир. Шу боис, юртимизда мазкур йўналишдаги ишларга тизимли равишда эътибор қаратилмоқда. Жумладан, жорий йилда эҳтиёжimizга мос кишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш баробарида 3,5 миллион долларлик маҳсулотларни экспорт қилиш режалаштирилган. Бу 5,6 миллион тонна маҳсулот, дегани. Қувонарлиси, бизда экспорт ҳажмини янада ошириш имконияти бор.

Бошланиши 1-бетда

Хусусан, ҳужжат билан кейинги беш йилда юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини 1,5 баробарга ва экспорт кўрсаткичларини 2 баробарга ошириш мақсади қўйилди. Ўзбекистон Республикасининг озиқ-овқат хавфсизлиги ва соғлом овқатланишни таъминлашнинг 2030 йилгача мўлжалланган стратегияси тасдиқланди. Стратегия, асосан, учта йўналишни қамраб

эриштилаётганини ҳам инкор этиб бўлмайди. Лекин жаҳон сиёсати ва иқтисодийётидаги инқирозлар кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш тизимида занжирлар узилшига, нархлар ошишига сабаб бўлаётгани, глобал иқлим ўзгаришлари, қутилган ва қутилмаган табиий офатлар туфайли аграр тармоқда муаммолар вужудга келаётганини ҳам тан олмастикнинг иложи йўқ.



“Республикамызда 2021-2023 йиллар давомида ғалладан гектаридан ҳосилдорликни 6,4 центнер оширишга эришилди. Натижада бу йил ҳар қачонгидан кўп дон хирмони кўтарилди.

СТРАТЕГИК МАСАЛАГА АЛОҲИДА ЁНДАШУВ

ёхуд ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИГА ҚАРАТИЛАЁТГАН ЭЪТИБОР ХУСУСИДА

олган. Биринчиси, озиқ-овқат хавфсизлиги ва соғлом овқатланишни, одамларнинг соғлом ва фаол ҳаёт кечиришини таъминлашга қаратилган бўлса, экин бозор иқтисодиёти тамойилларига асосланган ҳолда стратегик аҳамиятга эга кишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари захираларини кўпайтириш иккинчи мақсад сифатида қўйилди. Учинчиси эса ушбу жараёнда табиий ва техноген офатлар, глобал сиёсий ҳамда иқтисодий инқирозлар таъсирида юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарларни аниқлаш, баҳолаш ва бошқариш кабилар қамраб олинди.

БУ ФАҚАТ ҚОРИН ТЎЙДИРИШ ДЕГАНИ ЭМАС

Маълумотларга қараганда, ҳозирги кунда дунё бўйича кам вазили туғилиш 15 фоизни ташкил қилмоқда. Шунингдек, беш ёшгача бўлган болалар ўртасида ривожланишнинг секинлашуви 22,3 фоизгача камайган, лекин бу ҳам ҳали белгиланган меъёрдан юқори. Сизингча, бунинг сабаби нимада? Бунга бир томондан турмуш шароити, экологик ҳолатлар ҳам сабаб бўлиши мумкин. Лекин бу ерда етарлича овқатланмаслик ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу табиий нуктаи назардан аллақачон исботланган ҳақиқат.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, оддий қилиб айтганда, одамларнинг тўйиб овқатланиши фақат кишлоқ хўжалигига тегишли масала эмас. У табиийдир, дегани. У ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг олдини олиш, дегани. Демак, масалага янада жиддий эътибор қаратиш даркор.

Тўғри, сўнгги йилларда инновацияларнинг кенг жорий этилиши туфайли кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми кескин ошган. Тобора кўпайиб бораётган дунё аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлашда сезиларли ютуқларга

БМТ томонидан чоп этилган ҳисоботда келтирилишича, ўтган йили дунёда тўйиб овқатланмаслик кўлами 2008-2009 йиллардаги даражага қайтган. “Баъзи соҳалардаги айрим ютуқларга қарамай, ташвишли даражада кўп одамлар озиқ-овқат танқислиги ва тўйиб овқатланмасликка дуч келмоқда. Дунёда оч қолганлар сони кетма-кет уч йил камаймапти: 2023 йилда 713 миллиондан 757 миллионгача одам тўйиб овқатланмади, бу 2019 йилдагига нисбатан қарийб 152 миллион кишига кўпдир”, дейилади ҳужжатда.

БМТ Озиқ-овқат ва кишлоқ хўжалиги ташкилоти (FAO), Кишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси (IFAD), Болалар жамғармаси (UNICEF), БМТ Жаҳон озиқ-овқат дастури (WFP) ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) огоҳлантирмоқда: агар вазият ҳозиргидек давом этарэвса, 2030 йилда тахминан 582 миллион киши сурункали кам овқатланишдан азият чекади. Ҳисобот муаллифлари фикрича, дунё аҳолисининг учдан бирдан кўпрогига таъсир қиладиган яна бир катта муаммо соғлом озиқ-овқат сотиб олиш билан боғлиқ. Бу номуносиблик аҳолининг 71,5 фоизи соғлом овқатланиш имкониятига эга бўлмаган кам даромадли мамлакатларда, айниқса, яққол намоён бўлади, юқори даромадли мамлакатларда эса бу кўрсаткич 6,3 фоизни ташкил қиладди.

UNICEFнинг 2024 йилда эълон қилинган болалар озиқ-овқат қашшоқлиги бўйича сўнгги ҳисоботида кўра, дунёнинг 64 давлатида болаларнинг тўйиб овқатланмаслиги муаммоси бор.

Ҳабарингиз бор, яқинда пойтахтимизда Денгизга чиқиш имкони бўлмаган ривожланаётган давлатлар озиқ-овқат хавфсизлиги ва барқарор ривожланиш мақсадлари бўйича халқаро форум бўлиб ўтди. Юқоридаги вазият ва ҳолатларни инобатга оладиган бўлсак, мазкур анжуманининг аҳамияти қанчалик эканини англаш мушкул эмас. Унда озиқ-овқат хавфсиз-

лиги ва Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда денгизга чиқиш имкони бўлмаган ривожланаётган мамлакатлар дуч келадиган ноёб ва умумий муаммоларга эътибор қаратиш баробарида ташиш, етказиб бериш масалалари ҳам кенг муҳокама қилинди.

“Мазкур форум денгизга тўғридан тўғри чиқиш имкони бўлмаган давлатлар ўртасида кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдоси ва озиқ-овқат хавфсизлиги масалаларини муҳокама қилиш учун катта майдон яратгани билан аҳамиятли бўлди. Бу бугунги глобаллашаётган даврда жуда муҳим. Сир эмас, ҳозир Ер юзиде иқлим ўзгариши боис, юз бераётган табиий офатлар, сув танқислиги, қуроқчилик каби омиллар озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришда етарлича муаммолар туғдирмоқда. Оқибатда дунё озиқ-овқат бозорида нарх-наво кўтарилиши кузати-



ветеринария, агрокимё ва бошқа соҳаларда 7 та янги лойиҳа ишга туширилди.

— Мамлакатимизда аҳолини кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан барқарор таъминлашга алоҳида ёндашилаётгани ўз самарасини берапти, — дейди кишлоқ хўжалиги

хавфсизлиги ҳамда барқарор ривожланиш масалаларида дуч келётган муаммолари ва имкониятларини акс эттирувчи истиқболлари муҳим аҳамиятга эга.

Тупроқ унумдорлигини ошириш, соҳани ресурс тежайдиган ва юқори унумли



Долзарб мавзу

вазир Иброҳим Абдурахмонов. — Масалан, сўнгги икки йилда кишлоқ аҳолиси бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш мақсадида 200 минг гектар пахта ва ғалла майдонини қисқартирилиб, 670 минг фуқарога бўлиб берилди. Натижада қарийб 2,2 миллионга мавсумий ва доимий иш ўрни яратилиб, қўшимча 3 миллион тонна маҳсулот етиштирилди. Бу ҳам дастурхонларимизнинг тўқин-сочин бўлишига маълум маънода ҳисса қўшяпти. 2023 йилда соҳада 3 миллионга яқин кишлоқ аҳолисининг бандлиги ва ўз навбатида, даромад манбаи таъминланди.

янги техникалар билан узлуксиз таъминлаб бориш, ривожланган давлатлар тажрибаси асосида агротехнологияларни, ҳақиқий бозор механизмларини жорий қилиш орқали маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш ҳамда етук билимга эга мутахассислар тайёрлаш олдимиздаги устувор вазифалардан бўлиб қолаётди.

Мана шундай долзарб масалалар билан бир қаторда кишлоқ хўжалиги соҳаси ривожланишида логистика тармоқлари чегаралангани — арзон денгиз портларига тўғридан тўғри чиқиш имконияти йўқлиги янгича ёндашув ва қарашлар билан ишлаш лозимлигини кўрсатади. Тошкент форуми шу жиҳатдан долзарб бўлди.

Маълумки, денгизга чиқиш йўли бўлмаган ривожланаётган давлатлар Ер шарини қуруқлик қисмининг 54 фоизини эгаллаган. Яъни 32 давлатнинг 590 миллион аҳолиси мана шундай имкониятга эга бўлмаган ҳудудда истиқомат қиладди. Бу кичкина рақамлар эмас, албатта.

ЗАРУР ЧОРАЛАР КЎРИШ ВАҚТИ КЕЛГАН

Айтиб ўтганимиздек, озиқ-овқат хавфсизлиги одамларни кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлашга боғлиқ. Бу барқарор, адолатли ва бардошли тизимларни яратиш, дегани. Ерлар деградацияси, сув тақчиллиги, биологик хилма-хилликнинг йўқолиши, глобал ва табиий муаммолар эса ишларга сезиларли салбий таъсир кўрсатади.

Бугунги кунда мамлакатимизда тупроқ шўрланishi кескин ҳолатда. Яъни 4,2 миллион гектар сўғориладиган ерларнинг қарийб 1,8 миллион гектарига турли даражадаги шўрланishiлар кузатишган. Бу муаммо кишлоқ хўжалиги ҳосилдорлигини пасайтириб, ерларнинг янада деградациясига ва иқтисодий йўқотишларга олиб келади. Шу боис, ҳозирги кунда мазкур муаммони ҳал этишда янги усуллар, инновациялар ва қўллаб-қувватловчи чора-тадбирларни ўз ичига олган комплекс ёндашувлар жорий этилмоқда.

Айниқса, сув ресурсларини барқарор бошқариш Ўзбекистон кишлоқ хўжалиги

муваффақиятининг калитидир. Барқарор сув ресурсларини бошқариш амалиёти нафақат кишлоқ хўжалиги маҳсулотлигини ошириш, балки ушбу ресурсларнинг узок муддатли сақланишини ҳам таъминлайди.

Ўзбекистон ҳудудининг бор-йўғи 10 фоизга яқини ҳайдаладиган ерлардан иборат. Бу аҳоли жон бошига тахминан 0,12 гектарни ташкил этади. Мана шулар ҳам бутун ушбу масала қанчалик муҳим бўлиб бораётганини билдиради, назаримизда.

Кишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги халқ фаровонлиги, иқтисодийёт барқарорлиги асосидир. Шу боис, юртимизда мазкур йўналишдаги ишларга тизимли равишда эътибор қаратилмоқда. Жумладан, жорий йилда эҳтиёжimizга мос кишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш баробарида 3,5 миллион долларлик маҳсулотларни экспорт қилиш режалаштирилган. Бу 5,6 миллион тонна маҳсулот, дегани. Қувонарлиси, бизда экспорт ҳажмини янада ошириш имконияти бор.

Ўзбекистон Республикасининг озиқ-овқат хавфсизлиги ва соғлом озиқланишни таъминлашнинг 2030 йилгача мўлжалланган стратегияси муҳим аҳамият касб этмоқда. Стратегия асосида соҳада амалга оширилаётган умумий чоралар белгилаб олинмоқда. Хусусан, одамларнинг соғлом ҳаёт тарзини таъминлаш мақсадида “Органик маҳсулотлар тўғрисида”-ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди. Аграр тадбиркорлик субъектларига озиқ-овқат соҳасида халқаро сертификатлар

олинишига қўмаклашиш амалиётини жорий қилиш натижасида 808 та (шундан 37 та “Organic”, 250 та “Global G.A.P.”, 438 та “Сифат бошқарув тизими (ISO 9001, ISO 22000 ва бошқалар)”, 30 та “HALAL” ҳамда 53 та турли йўналишлардаги (FSSC 22000 OEKO-TEX, SEDEX ва х.к) халқаро сертификат олинishi таъминланди. 2023 йилда 10,6 минг гектарга органик усулда кишлоқ хўжалиги экинлари экилиб, 31,7 минг тонна маҳсулот етиштирилди.

Республикамызда 2021-2023 йиллар давомида ғалладан гектаридан ҳосилдорликни 6,4 центнер оширишга эришилди. Натижада бу йил ҳар қачонгидан кўп дон хирмони кўтарилди.

Мева-сабзавот, узум, полиз ва картошка маҳсулотлари етиштирилиши янада кўпайтириш, аҳолининг асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабни тўла қондириш, қайта ишлаш ва экспортбоп ҳажмларини ошириш, бозорлардаги нарх-наво барқарорлигини таъминлаш мақсадида соҳани ривожлантиришда бир қатор тизимли ишлар қилинмоқда. Натижада 2023 йилда 22,5 миллион тонна (2022 йилга нисбатан 755 минг тонна кўп) маҳсулот етиштирилди.

Кишлоқ хўжалигида аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қулай агробизнес муҳитини ва қўшилган қиймат занжирини яратиш, инвестициявий жозибадорликни ошириш, кишлоқ ҳудудларини ривожлантириш устувор йўналишлардан бири ҳисобланади. Шунга асосан, Ўзбекистон Республикаси Кишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан Халқаро тараққиёт уюшмаси ва Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги, Осиё тараққиёт банки ва Кишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси иштирокида озиқ-овқат ва кишлоқ хўжалигини соҳасида инвестиция лойиҳалари ҳаётга татбиқ этиб келинмоқда. Хусусан, халқаро молия институтлари иштирокида кишлоқ хўжалиги соҳасида умумий қиймати 2 миллиард 62 минг долларлик 7 та лойиҳа амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда ҳам аҳолининг демографик ўсиш даражаси йилдан йилга ортиб борапти. Айрим маълумотларга қараганда, 2030 йилга бориб юртимиз аҳолиси 41 миллиондан зиёдни ташкил этади. Бу озиқ-овқатга эҳтиёжни ҳам оширади. Бугунги кўриляётган чоралар ана шу талабни қондиришга қаратилган саъй-ҳаракатлардир.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Агротармок

ПЛАТФОРМА ТАНИҚ-БИЛИШЧИЛИКНИ ИНКОР ЭТАДИ

Президентимизнинг 2023 йил 15 декабрдаги “Пахтачиликда уруғчилик тизимини ривожлантириш ҳамда пахта ҳосилдорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан мазкур йўналишга оид бир қатор аниқ вазифалар белгилаб берилган эди. Шундан келиб чиқиб, ўтган вақт мобайнида уруғчилик тизимини янада ривожлантириш бўйича 10 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар — қонун, қарор ва соҳага оид низомлар ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилди. Бунда Хитой, АҚШ, Туркия, Германия, Россия каби давлатларнинг илғор тажрибалари ўрганилиб, соҳани тақомиллаштириш борасида янги нормалар киритилди.



Жўрақул БОБОЕВ, Кишлоқ хўжалиги вазирлиги Уруғчилик бошқармаси бошлиғи

Галдаги вазифа эса тармоқни рақамлаштириш эди. Шу боис, вазирлигимиз ташаббусига асосан, “Uzinfocom” компанияси билан ҳамкорликда “agrolplatforma.uz” ахборот платформаси яратилди. Натижада 2024 йилдан бошлаб пахта ва ғалла уруғчилиги бўйича электрон апробация ва тендер модуллари ишга туширилди. Бу орқали уруғлик етиштирувчи фермер (субъект)ларига бир қатор имконият ва қулайликлар яратилди.

Гап шундаки, бунгача уруғчилик билан шуғулланувчилар орасида уни етказиб бериш бўйича айрим ҳолларда соғлом рақобат бўзилиши ҳолатлари кузатилиб турарди. Шу нуктаи назардан, уруғчилик тизимини рақамлаштиришга туртки бўлган омиллар қайси дейилганда, аввало, уруғликларни етиштириш ҳуқуқига эга бўлиш учун қишлоқ хўжалиги корхоналари ўртасида танлов ўтказиш босқичлари келтирилди.



Чунки илгари мазкур жараённинг барча босқичида инсон омили иштирок этарди.

Кишлоқ хўжалиги асоси саналган уруғчиликни шаффоф ҳамда очик электрон тизимнинг ишга туширилиши турли коррупцион ҳолатлар-

нинг олдини олиш баробарида сифатли уруғликлар етиштириш учун ҳам асос бўлади.

Тизим танловда иштирок этувчи уруғчилик субъектлари маълумотларини автоматик таҳлил қиладди. Тупроқ балл бонитети энг юқори, хўжаликда фойдаланиладиган техникалар, сув билан таъминланганлик даражаси ва уруғчилик соҳасидаги тажрибаларини инобатга олиб тендер ўтказилади.

Энди уруғчилик хўжаликлари вакиллари тендер ҳужжатларини тўплаш учун вақт йўқотиб, турли ташкилотларга бормайди, балки электрон платформа орқали онлайн тарзда туман тендер комиссиясига ариза берса қифой. Туман тендер комиссияси аъзолари эса ўзларининг шахсий электрон кабинетидан фермер (субъект)лар тўғрисидаги маълумотларни дастурга жойлаб, электрон рақамли имзоси билан имзоялади. Уруғчилик хўжаликлари томонидан тўпланган рейтинг баллари дастурда онлайн баҳоланади.

Қувонарлиси, бугунги кунга келиб, ушбу иш тутуми анча омалашди. Фермерлар унинг афзаллигини тўла англаб этмоқда. Ҳудудларда ўтказилган тендер танловларида 2668 та уруғчилик субъекти ғолиб бўлиб, жами 82,6 минг гектар майдонда уруғлик дон етиштирилиши таъминлангани, 2025 йил ҳосили учун 211 минг тонна стандарт талабларига жавоб берадиган уруғлик дон жамғарилгани бунинг тасдиғидир.

Ҳозирги кунда тайёрланган уруғлик экиш учун сараланган, кишлоқ хўжалиги зараркунанда ва хашаротларига қарши кимёвий препаратлар билан ишлов берилиб, қадоқланган ҳамда сертификатланган ҳолда фермер хўжаликларига етказилмоқда.



ҚАРИНДОШЛАР ЎРТАСИДАГИ НИКОХ

УНИ ТАҚИҚЛАШ БЎЙИЧА ҚОНУНЧИЛИККА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ ТАКЛИФ ҚИЛИНМОҚДА

Давра суҳбати

Тўрт мучаси соғ фарзанд — Яратганининг улугъ неъматиди, оила қувончи, жамиятнинг бебаҳо бойлиги. Ақлан ва жисмонан етук ўғил-қиз ота-онасининг, элу юртининг умиди, эртанги кун давомчиси. Инсоннинг бахти ҳам, иқболи ҳам, орзу ва умидлари рўёби ҳам баркамол фарзанд билан.

Акси бўлса-чи? Носоглом бола туғилиши оила аъзоларига етадиган руҳий-маънавий жароҳат, жамиятга таъсир қўламини кўз олдингизга келтирсангиз, манзаранинг нақадар аянчли ва оғриқли экани намён бўлади. Ён-апрофимизда бунинг гувоҳи бўлиб келяпмиз.

Маълумотларга кўра, дунёда орфан касалликларнинг 7 минга яқин тури маълум бўлиб,

уларнинг 72 фоизи ирсийдир. Қолганлари инфекция, аллергия ва экологик сабаблар натижасида ривожланади. Дунёда чақалоқлар ўлимининг 40 фоизи ирсий касалликлар туфайли юзага келади. Бундай оқибатларнинг биттаси қариндошлар ўртасидаги никоҳдир. Замонавий тиббиёт бир-бирига бегона эр-хотиннинг туғилажак боласига қараганда қариндошлар ўртасида туғиладиган ҳудудда ирсий касалликлар хавфи 3-4 баравар кўп бўлиши ва турли нуқсонлар кузатилишини исботлаб келмоқда. Қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари кўпроқ нимада намён бўлмоқда?

Биз мавзу доирасида мутахассислар фикри билан қизиқдик.

армон бўлиб қолади, ишсизлар рўйхатига тушади, билими, хунари йўқ қиз жамиятда ўз ўрнини топа олмайд.

Эрта туғуруқларнинг тиббий асоратлари ҳам кам эмас. Ҳомила нотўғри жойлашади, тушади ёки эрта туғилади, янги туғилган чақалоқда туз-сатдан ўлим синдроми юзага келади. Болада Даун каби синдромлар кузатилади, камқонлик туфайли оғир токсикоз, плацентанинг эрта ажралиши, айрим ҳолларда боланинг ногирон бўлиб туғилиши, ҳаттоки туғуруқ жараёни ўлим билан туташ мумкин. Шунингдек, ёш ўсимир қиз ҳам жисмонан, ҳам руҳан синиб қолади. Эрта никоҳ ва эрта туғуруқларнинг салбий оқибатлари ҳақида узок гапириш мумкин. Афсуски, бу ҳолатлар яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳда ҳам кузатишмоқда.

Ўзбекистон қонунчилигида қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олишга қаратилган нормалар белгиланган. Хусусан, Оила кодексига кўра, никоҳ тузишга қўйиладиган ҳолатларда, яъни:

— лоқал биттаси рўйхатга олинган бошқа никоҳда турган шахслар ўртасида;
— насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган қариндошлар ўртасида, туғилган ва ўғай ака-укалар билан опа-сингиллар ўртасида, шунингдек, фарзандликка олувчилар билан фарзандликка олинганлар ўртасида;

— лоқал биттаси руҳият бузилиши (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги) сабабли суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар ўртасида йўл қўйилмайди.

Халқаро тажриба ўрганилганда аниқландики, кўпгина давлатларнинг фуқаролик ва оила қонунчилигида яқин қариндошлар ўртасида никоҳ тузишга рухсат этилмайди. Масалан, АҚШнинг 26 штатида, Жанубий Кореяда ва бошқа қатор давлатларда тўрттинчи даражали қариндошлар никоҳи тақиқланган. Хитой 1981 йилдан бери тўрттинчи даражали қариндошлар никоҳини тақиқлаб қўйган.

Яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг зарари ва хавфи тобора ортиб бораётганини ҳисобга олган ҳолда оила институтини мустаҳкамлаш, фарзандларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, миллат генофондини сақлаш мақсадида **Оила кодексига никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатларга ён шажара бўйича (қариндошликнинг учинчи ва тўрттинчи даража-си) қариндошлар ўртасидаги никоҳларни ҳам киритишни мақсадга мувофиқ деб ўйланган.** Бу билан наслимиз давомчилари бўлган авлодларимизнинг соғлом дунёга келишига, миллатимиз генофондини сақлашга эришамиз.

Агар биринчи даражадаги қариндош бўлсак, демек, боланинг наслий касаллик билан туғилиш эҳтимоли катта. Лекин иккинчи, учинчи даражадаги ёки ён шажара билан қариндош бўлсак, бундай хавф йўқолади деб ўйлашади. Минг афсус, ундай эмас. Биринчи даражада наслий касаллик билан туғилиш эҳтимоли 25 фоизни ташкил этса, иккинчи даражада 12 фоиз, учинчи даражада 6,5 фоизга тушади. Шу тариқа 7-даражага келгандан кейин бу 1 фоизни ташкил этиши мумкин. Шундан сўнггина биз улар бир-бирига бегона бўлди деб айтишимиз мумкин.

Малика ИСАМУҲАММЕДОВА, тиббиёт фанлари номзоди, генетик:

— Иш тажрибамда қариндошлар ўртасидаги никоҳ оқибатларига тез-тез дуч келаман. Фарзанди носоглом дунёга келган оила низоҳатда тушқунликка тушиб қолганини кўп кўрганман. Ўзаро муносабатларда юзага келадиган зиддиятлар, оила-ларнинг бузилиш даражасига келишига сабаб бўлган бу ҳолатларни жуда оғриқли қабул қиламан. Чунки бу ерда энг кўп жабр кўрадиган фарзанд ва жамиятдир.

Ҳозирги кунда наслий касалликларнинг 6 мингдан зиёд тури мавжуд ва биз уларнинг энг кўп учрайдиган турларини биламиз, холос. Айни пайтда мамлакатимизда референс лабораториялар фаолият бошлаган, айрим касалликларни эрта аниқлаш имкониятига эга бўляпмиз. Лекин бу муаммага ечим бўлмайди. Афсуски, наслий касалликлар давосиздир. Ҳозирги пайтда генетик касалликлар учун дори-дармонлар ишлаб чиқарилмоқда. Аммо бу дори-дармонлар қариндошлар тузатмайди, беморнинг турмуш, ҳаёт сифатини ошириш учун хизмат қилади, холос.

Нима учун қариндошлар ўртасидаги никоҳда бундай генетик касалликларнинг учраши эҳтимоли 2-3 баравар кўпроқ?

Ҳар биримиз танамизда 15 фоизга қа-



дар турли мутацияларни сақлаймиз. Бу меъёр саналади. Мазкур мутациялар таъсирчан ҳолатида бўлгани учун биз соғлом ташувчи ҳисобланамиз. Чунки қариндош бўлмаган, етти ёт бегоналар ўртасида курилган турмушда бу мутацияларнинг тўқнаш келиши эҳтимоли кам. Лекин қариндошлар ўртасидаги никоҳда бундай омил 2-3 баравар ошади. Бу эса оилада наслий касалликка учраган бола туғилиши эҳтимоли ортади, дегани.

Агар биринчи даражадаги қариндош бўлсак, демек, боланинг наслий касаллик билан туғилиш эҳтимоли катта. Лекин иккинчи, учинчи даражадаги ёки ён шажара билан қариндош бўлсак, бундай хавф йўқолади деб ўйлашади. Минг афсус, ундай эмас. Биринчи даражада наслий касаллик билан туғилиш эҳтимоли 25 фоизни ташкил этса, иккинчи даражада 12 фоиз, учинчи даражада 6,5 фоизга тушади. Шу тариқа 7-даражага келгандан кейин бу 1 фоизни ташкил этиши мумкин. Шундан сўнггина биз улар бир-бирига бегона бўлди деб айтишимиз мумкин.

Азал-азалдан турмуш қураётган йигит ёки қиз томоннинг етти авлоди бекиз суриштирилмаган. Ҳозирги кунда бундай суриштириш низоҳатда кам. Баъзан ёшлар олдига келиб, турмуш қурмоқчи эканини, келгусида қандай фарзанд туғилишини ҳатто генетика фани ҳам олдиндан айтиб бера олмаслигини таъкидлайман. Агар шу оилада биринчи фарзанд соғлом туғилган тақдирда ҳам кейингиси тўрт мучаси соғ дунёга келишига ҳеч ким қафолат беролмаслигини тушунираман. Бу тақдирни синова қўйиш билан тенгдир.

Биргина орқа мия мушак атрофияси билан туғилган боланинг ҳозирги кундаги сарф-харажатини кўз олдингизга келтирсангиз, оилага осон эмаслиги аён бўлади. Бундай бола ақл-идрок томонидан етук, мукамал бўлади. Фақатгина ҳаракат имкониятлари секин-секин сўниб боради.

ра билан қариндош бўлсак, бундай хавф йўқолади деб ўйлашади. Минг афсус, ундай эмас. Биринчи даражада наслий касаллик билан туғилиш эҳтимоли 25 фоизни ташкил этса, иккинчи даражада 12 фоиз, учинчи даражада 6,5 фоизга тушади. Шу тариқа 7-даражага келгандан кейин бу 1 фоизни ташкил этиши мумкин. Шундан сўнггина биз улар бир-бирига бегона бўлди деб айтишимиз мумкин.

Азал-азалдан турмуш қураётган йигит ёки қиз томоннинг етти авлоди бекиз суриштирилмаган. Ҳозирги кунда бундай суриштириш низоҳатда кам. Баъзан ёшлар олдига келиб, турмуш қурмоқчи эканини, келгусида қандай фарзанд туғилишини ҳатто генетика фани ҳам олдиндан айтиб бера олмаслигини таъкидлайман. Агар шу оилада биринчи фарзанд соғлом туғилган тақдирда ҳам кейингиси тўрт мучаси соғ дунёга келишига ҳеч ким қафолат беролмаслигини тушунираман. Бу тақдирни синова қўйиш билан тенгдир.

Биргина орқа мия мушак атрофияси билан туғилган боланинг ҳозирги кундаги сарф-харажатини кўз олдингизга келтирсангиз, оилага осон эмаслиги аён бўлади. Бундай бола ақл-идрок томонидан етук, мукамал бўлади. Фақатгина ҳаракат имкониятлари секин-секин сўниб боради.

Биргина орқа мия мушак атрофияси билан туғилган боланинг ҳозирги кундаги сарф-харажатини кўз олдингизга келтирсангиз, оилага осон эмаслиги аён бўлади. Бундай бола ақл-идрок томонидан етук, мукамал бўлади. Фақатгина ҳаракат имкониятлари секин-секин сўниб боради.

Биргина орқа мия мушак атрофияси билан туғилган боланинг ҳозирги кундаги сарф-харажатини кўз олдингизга келтирсангиз, оилага осон эмаслиги аён бўлади. Бундай бола ақл-идрок томонидан етук, мукамал бўлади. Фақатгина ҳаракат имкониятлари секин-секин сўниб боради.

Биргина орқа мия мушак атрофияси билан туғилган боланинг ҳозирги кундаги сарф-харажатини кўз олдингизга келтирсангиз, оилага осон эмаслиги аён бўлади. Бундай бола ақл-идрок томонидан етук, мукамал бўлади. Фақатгина ҳаракат имкониятлари секин-секин сўниб боради.

Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказида 2024 йилнинг беш ойи давомида 6660 бемор болага стационар тартибда тиббий хизмат кўрсатилган бўлиб, шундан неврология бўлими беморларининг 28,9 фоизи, гастроэнтерология бўлимининг 21,5 фоизи, ЛОР бўлими беморларининг 34,9 фоизи ирсий-генетик касалликлар сабаб даволанган, улар 28,9 фоизининг ота-оналари яқин қариндош бўлган.

Тахлиллар ва ўрганишларга кўра, қариндошлар ўртасида туғиладиган оилаларнинг 25,2 фоизиди зиддият ва низолар учраб туради, 24,9 фоизда ногирон фарзандлар бор, 8,9 фоизда қариндош-уруғлар ўртасига совуқлик тушган, қариндошлик ришталари узилган.

Биз ҳар кун тарғибот қилсак-да, барибир ҳолатлар камаймаяпти. Аксинча, ногирон фарзандларнинг туғилиш кўрсаткичи ортмоқда. Шу сабабли бизда ҳам қонун билан буни тақиқлаш вақти келди.

Оила кодексига қариндошлик тушунчаларига қонуний таъриф берилган. Жумладан, туғилган ака-ука ва опа-сингил қариндошликнинг иккинчи даражасида, тоға ва амаки, амма ва хола ўз жиянлари билан қариндошликнинг учинчи, тоғавачча, амакивачча, аммавачча ва холаваччалар эса тўрттинчи даражасида туради. Бугунги кунда қонунчиликка учинчи ва тўрттинчи даражадаги ён шажара бўйича қариндошлар ўртасидаги никоҳни тақиқлаш, фақат тиббий генетик текширувлар (ДНК тести) натижаси асосида бўлган никоҳларга истисно тариқасида рухсат бериш тақлиф қилинмоқда.

Шунингдек, эрта никоҳ, эрта унаштирув ҳолатларида ота-онага нисбатан қариндошлар кучайтириш, никоҳланувчиларнинг тиббий қўриқдан ўтказилиши билан боғлиқ муаммолар ҳам киритилмоқда. Тарғибот ишлари олиб боришмоқда, лекин ягона чора қонун билан чеклов қўйишдир.

Чунки вақт ўтиши билан мушакларни ҳаракатга келтирувчи нерв ҳужайралари нобуд бўла бошлади. Болалар бора-бора ҳаракатда орқада қолади. Нафас аъзолари, юрак, барча ҳаракат функциялари заифлашади ва афсус, эрта нобуд бўлади.

Ҳозирги кунда орқа мия мушак атрофияси аниқланган, генетик жиҳатдан тасдиқланган болаларга ген терапияси дори-дармони ажратилмоқда. Қар битта флакон 6 минг доллар туради. Бемор бола бутун умр давомида бу дори билан ичиб бориши керак. Бола ўсган сари бир ойда икки-учта флакон дори талаб этилади. Бу жуда катта маблағ. Оила бор-йўғини сотса ҳам болани оёққа турғиза олмайд.

Баъзан мисол келтиришди, “Қўшим ёки қариндошнинг фарзанди расо, меники ҳам соғлом туғилди”, дея. Бу катта хато. Ҳар бир организм индивидуал. Ҳеч ким ўзини бошқа билан солиштира олмайд. Акси бўлса-чи? Бунга айнаб бошидан ўтказган инсонлар яхши тушунади. Ота-она бор-йўғини сарфласа ҳам боласини тузата ололмаслигини билади. Қариндошлар ўртасида туғилган никоҳнинг салбий оқибатларини тушуниб етганида эса кеч бўлади. Бундай оқибатларга бутун ҳаётини, умрини сарфламаслик учун инсон ўз қароқларига ўзи масъул бўлиши лозим. Шундангина биздан қолдиган наслига ва миллатимизнинг соғлом генофондига ўзимизнинг ҳиссамизни қўшган бўламиз.



Мавлуда ХЎЖАЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси:

— Қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳ масаласи мутахассислар томонидан ўрганилган ва бундай никоҳнинг салбий оқибатлари илмий жиҳатдан исботини топган. Жаҳон олимлари ирсий муаммоларга 80 фоизга яқин ҳолатда қариндошларнинг ўзаро никоҳи ва экологик муаммолар сабаб бўлаётганини таъкидламоқда. Айниқса, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳ миллиатнинг ирсий заифлашувига олиб келади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотига кўра, республикамиз бўйича 2023 йилда ривожланишида туғма нуқсонли ва ирсий касалликлар билан туғилган болалар сони 1741 нафар бўлиб, интенсив кўрсаткич 1,8 фоизни ташкил этган. Ушбу кўрсаткич 2021 йилда 1,8 фоиз, 2022 йилда 1,9 фоиз бўлиб, сўнгги уч йилда туғма нуқсон ва ирсий касалликлар билан туғилган болалар кўрсаткичи ўзгаришсиз қолмоқда.

Оила кодексига мамлакатимизда никоҳ ёши эркаклар ва аёллар учун 18 ёш этиб белгиланганига қарамай, эрта никоҳлар қайд этилаётгани ачинади. Эрта никоҳ туфайли қатор ижтимоий муаммолар келиб чиқмоқда. Ёш ўсимир қиз ҳомиладорлиги сабабли ўқини ташлашга мажбур бўлади, кўп касал бўлиш ҳисобига соғлиғида жиддий ўзгаришлар кузатилади, олийгоҳда ўқиш

Маъмура АХРОРОВА, психоневролог:

— Яхши қиз (ўғил) бегона бўлмасин, мол-мулкимга бегона эгалик қилмасин, қариндошлик ришталари мустаҳкам боғланиб қолсин, кексайганимда бировга қараб қолмай деган мақсадда тузилаётган никоҳлар аксинча акс садо бермоқда. Ота-оналар ўз фарзандлари, айниқса, қизлари бахтсиз бўлиб қолишига сабаб бўлмоқда. “Тақдир шундан, пешанасига ёзилгани-да”, деб ўзини овутуши мумкин. Аммо бунда ота-оналарнинг ҳам айби катта.

Ногирон фарзанд туғилган оиладаги руҳий жароҳатлар ўрнини ҳеч нарса билан тўлдириб бўлмайди.

Қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари фақатгина ногирон фарзандлар туғилиши эмас, унинг ортда оилаларнинг, оналарнинг, жамиятнинг азият чекишида намён бўлади. Оилавий ажралишлар ортиси, оналар бир умр ногирон фарзандларига боғланиб қолиши, руҳий жароҳатлар, норозилик кайфияти шаклланиши қабилида ўз-ўзидан муаммоларни ҳам кўпайтираверади.

Шундай муаммоларнинг олдини олиш учун қариндошлар ўртасидаги никоҳ оқибатларини ёшларга эртaroқ аниқлаштириш керак. Шу тушунча билан катта бўлган йигит ёки қиз турмуш қураётганда ушбу салбий оқибатларни ёдда тутати ва фарзандлари носоглом туғилиши, ҳаёти пароканда бўлишига йўл қўймайди.

Мухайё СОБИРОВА, уй бекаси (Тошкент шаҳри):

— Турмуш ўртоғим билан 3-даражада қариндошимиз. 5 фарзандимиз бор. Шундан тўрт нафари ногирон туғилди. Олиб бермаган жойимиз қолмади. Аммо фойдасиз. Уч нафар ногирон фарзандимни тупроққа қўйганман. Микроцефалия ташхиси билан дунёга келган бир фарзандим ҳозир ҳаёт. Шукрки, тўнғичим соғлом. Шугина ҳаётимга мазмун бағишлаб турибди.

Турмуш қуришимизга қайнотам сабаб бўлган. “Ҳамма қариндошларнинг ҳам боласи носоглом туғилмайди. Палончи ҳам, пистончи ҳам қариндош, болалари ойдек-ку-

Сизларга ёрдам қилганман, ўқитганман, едириб-ичирганман”, дея ота-онамни ҳоли-жонига қўймаган. Шу тариқа турмушга чиқишга мажбур бўлганман.

Турмуш ўртоғим билан яхши яшадик. Ҳатто болаларимиз ногирон туғилган тақдирда ҳам бирор марта унинг зардаси ёки меҳрсиизлигини ҳис қилмаганман. Аммо бир кам дунё экан, болаларимизни бирин-кетин тупроққа қўяётганда юрак-бағрини ўқинч ва алам эзаётганини кўриб, дод деганман.

Касал бола билан кун ўтказиш, юзига қараш ҳеч кимга осон эмас. У нима еб-ичаётганини билмайди, бирор жойи оғришини айтиб бера олмайди. Ҳеч нарсани идрок қилмайди. Бирпасда аҳволи ёмонлашиб,

ўзини йўқотиб қўйиши мумкин. Шундай пайтда қўлингиздан ҳеч нарса келмаслиги тақдирнинг энг оғир сивовидир.

Қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг аянчли оқибатини мен бошимдан ўтказиб келяпман. Бу тақдирни ҳеч кимга раво кўрмайман. Тўрт мучаси соғ фарзанд оилага фойз, турмушга чирой ва ҳаётимизга мазмун беради. Аксинча бўлса, ҳаёт машаққат ва заҳматдан иборатдек туюлади. Ёшларимиз тўқис ва бахтли оила қурмоқчи экан, зинҳор қариндошлар ўртасидаги никоҳга рози бўлмасин. Оқибати азобли эканини ёдда туттишим.

“Янги Ўзбекистон” муҳбири
Рисолат МАДИЕВА ёзиб олди.



Илм дарғалари

Ҳамидулла Болтабоев —
адабиёт муҳибби,
устоз ва шогирд — ялакат мағизИброҳим ҒАҒУРОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони

XX асрнинг 70-йилларида илк танишганимизда Ҳамидулла Болтабоев тийрак йигит эди. У ўқиган китоблари, уларнинг сир-синаотларини тез илғаб олар, китобни яхлит (бир бутун) тасаввур қилар, аниқ, бийрон сўзлар билан ҳикоя қилиб бера, хорижий тилларни ҳам қийналмасдан, зўриқмасдан қисқа вақт ичида ўрганиб оларди. Университетдошлари унинг хотирасига ҳайрон қоларди. Унда адабиёт илми — адабиётшуносликни билиш ва тушуниш учун табиий туғма хусусиятлар мужассамлашгандек кўринарди. Санъатнинг мураккаб ҳодисаларини тез “чақарди”. Ҳамидулладаги табиий тийраклик билиш, ўрганиш жараёнлари, уларнинг қирралари табиий чархланиб боришига кучли таъсир этса керак деб ўйлардим.



Адабиётшунос бўлиб туғилмайдилар. Аммо у адабиётшунос муаллим бўлиб туғилган. Худди Ҳоди Зариф, Иззат Султон, Азиз Қаюмов каби. Шунинг учун таниқли рус олими Юрий Боров уни лутф қилиб, “кичик оқсоқол” деб атаган, чуқри оқсоқоллар каби ақлли, донолиги ва ишларни дундиришини кўрган.

Йирик ҳассос, адабиётшунос олим Умарали Норматов ўта камтарлик билан: “Менинг барча асарларим Ҳамидулла Болтабоев кўлидан ўтган, уни шогирдим деб аташга ийманаман”, деб ёзган эди.

Ҳамидулла Болтабоев адабиётшунослик деб аталган аjoyиб, қизиқарли фаннинг барча мураккаб соҳалари тўғрисида илмий-назарий ишончли мутахассис сўзини айта олади.

Унинг янги Ўзбекистон шароитида университетларда “Адабиётшунослик ва структурал поэтика” деб номланган янги фан ташкил этиб, маърузалар ўқитгани социалистик реализмнинг қизил чизиқларидан сўнг миллий мустақиллик даврида катта илмий, маданий ҳодиса бўлди. Ёшларни васвасага соладиган қизил чизиқлар ўрнига эндиликда “структурал поэтика” таҳлиллари ёшлар тасаввурини бойитмоқда.


Янги даврда адабиёт ва санъат соҳаларида янги ғоялар, янги усул-усуллар қарашлари мисоли дўлдай ёғилмоқда. Дам Бахтин, дам Веселовский, дам Потебня, дам казо-казо жажон адабиёти назарияси асосчиларининг жилд-жилд постмодерн дарсликлари, талқинлари, таҳлиллари. Улар ҳаммаси бир

бўлиб, янги замон илми сифатида бирлашиб, барча адабиётшунослардан кўлаб ўрганиш, билиш, ўзлаштириш, янгидан қуришни талаб қилмоқда.

Адабиётшунос ҳамкасблар шу улут жараёнда ўзини мисоли дорбоз каби сезмоқда, дорбоз каби юксакда ҳаракатланмоқда. Уларнинг лангари бутун чигал терминологияси (Батай, Гваттари, Грицианов, Фуко, Рорти, ризома, семиотика, симуляция, “автор ўлими”, структурализм, трансгрессия ва бошқа махсус шундай назарий ҳодисалар) “структурал поэтика”ни тушуниш ва таҳлилларига сув билан ҳаводай зарур. Ҳозирги замон адабиётшуносига асло осон эмас. Лекин Ҳамидулла ва ҳамкасб дўстларининг ғайратли саъй-ҳаракатлари билан ёшларнинг онги янги таҳлил қуроллари ёрдамида очилмоқда.

Умарали Норматов ўз шогирдлари билан замон адабиёти ва назариядаги ўзгаришлар, ўзбек назариясидаги янгиланиш интилишлари ҳақида жуда қизиқарли суҳбатлар қиларди. У Ҳамидулла Болтабоев билан ҳам икки бора кенг-батафсил суҳбат қилган эди. Уларнинг бири “Янги назарий тамойиллар ва янгиланаётган адабий жараён” деб аталарди. Бу адабиётда янгиланишларнинг ўзига хос дебо-чаларидан бири эди. Умарали Норматов Раҳмон Кўчқор ва Дилмурод Қуронов билан ҳам салмоқли суҳбатлар қилган. Булар адабиёт ҳодисалари билан яқиндан қизиқиш ва ривожланишдан ўта манфаатдорлигининг маҳсуллари эди. Раҳмон Кўчқор билан суҳбатда устоз “Олтмиш йилдан ортиқдики, адабиёт ичидаман”, деб айтган.

Умарали ака Ҳамидулла Болтабоев, Дилмурод Қурон, Улугбек Ҳамдам, Раҳмон Кўчқор, Шоира Норматова сингари шогирдларини бир умр доммо “адабиёт ичида” бўлиши даъват этарди. Уларни шунга рағбатланти-



рарди. Улар устоз ўғитини бир дам ёддан чиқармай, ҳозирги замон адабиётининг тугал манфаатлари билан яшаш, нафас олишга, миллий адабиётнинг равнақидан баҳраманд бўлишга одатланган.

Буни мен, мабодо, бандларвароз эшитилмас, адабиётшуносининг чин фидокорлиги деб атаган бўлардим. Устоз Умарали Норматов кўқартирган бог узоқ замонларга етиб борадиган самара берди. Ўзбек адабиёти бағрида “Умарали Норматов мактаби” деган фидокорлик мактаби майдонга чиқди. Ҳамидулла Болтабоевнинг айрим асарларини санаб ўтсам, ўқувчиларимиз бу гапнинг ҳақиқатига ишонч ҳосил қилса керак. Ҳамидулла Болтабоев ўзбек илмида илк бора “Адабиёт энциклопедияси”ни яратди. Мен бу улкан қомуснинг қўлёмаси билан танишман. Унинг мутолааси вақтида Ҳамидулла билан неча-неча бор узоқ суҳбатлар қилганмиз,

порттишганимиз, асосий йўл-йўриқлар шаклланишини кузатганимиз, тили, услуби, қамрови қандай бўлиши кераклиги устида кунлаб, ойлаб бош қотирганимиз. Азиз Қаюмов ва Наим Каримов қомус ҳақида уни қўлаб, теран мақолалар ёзди. Уларнинг мақолаларида ҳам бизни, уни тузишда жонқуярлик билан ҳамкор бўлган файласуф олим ва адиб Маҳкам Маҳмудовни ўйлантирган масалалар акс этганини айтиб ўтишнинг керак. Аммо Ҳамидулланинг шижоати билан қомус юзага келди ва у қомусчилигимизда сезиларли воқеа бўлди. Ундан сўнг Ҳамидулланинг яна бир қимматли асари “Шарқ мумтоз поэтикаси” дунёга келди. У бу аjoyиб маълумотларга ниҳоятда бой китоблар устида худди фаранг қомусчиси Монтескёга ўхшаб ўзини аямай, бутун жонини шу ишларга бағишлаб ишлади. Билимини чин маънода оширадиган, тарихда қоладиган китоблар юзага чиқди.

Ҳамидулланинг “Фитрат ва жадидчилик” китоби чиққанда, у ўқувчиларни яна бир қарарга ҳайратга солди. У худди Наим Каримов, Шерали Турдиев, Бегали Қосимов, Бойбўта Дўстқоров, Сирожиiddин Аҳмедовнинг маълум ва машҳур китоблари каби жадид адабиёти қуёшини самога олиб чиқди. Фитратнинг миллат озолиги, маданияти, илми, адабиётининг юксалиши учун мислсиз фидокор фаолияти барча олтин қирралари ва тарихий, ижтимоий, сиёсий аҳамияти билан халқимиз кўз ўнгига тўлиқ намоён бўлди. Уни мен Фитрат ва ўзбек миллий маърифати ҳаракати ҳақидаги бебаҳо қомусдай ўқидим. Бунинг устига, Ҳамидулла Фитратнинг буюк “Мунозара” асарини форс тилидан ўзбекчага тўла илмий салоҳият билан таржима қилди. Гўзал “Сайҳа”нинг шеърларини илк бора тилимизга ўғирди. “Сайҳа” миллий дардларимизга



дармон ва малҳам бўлди. Мислсиз кураш йўлини кўрдик. Инсон ўз муҳаббатига қанчалар юксакларга кўтарилса олиши мумкинлигига комил ишонч ҳосил қилдик. Ҳамидулла “Ҳинд сайёҳи”ни ҳам жуда жиддий ўрганиб, ўзбекчага таржима қилиб, нашрга тайёрлади. У Фитратнинг беш жилдли асарларини бошдан-охир илмий изохлар, яралиш, ижтимоий ҳаётга кириш тарихлари билан бирга чоп этди. “Мумтоз сўз” наشريётини ташкил этди. Унда адабиётимиз тарихининг улкан намоёндалари асарларини халқимизга тўхфа қилди.

Ҳамидулла Болтабоевнинг тадқиқотчи олим Маҳкам Маҳмудов билан ҳамкорликда “Адабий-эстетик тафаккур тарихи” уч жилдли асари жаҳон эстетика фанининг неча минг йиллик тарихини ўрганишга ҳавасманд ўзбек ўқувчиларига муносиб совға бўлди. Мен “адабиёт ва илм ичида яшаш” нималигини ўқувчиларимизга англатмоқчи бўлганимда Ҳамидулланинг мана шундай миқёсли, кўламли асарларини назарда тутган эдим. Унинг барча ёган асарлари, ўқиган маърузаларининг библиографияси бир жилдиди ташкил этади. Қомусчи олим, ижодкор, фан ташкилотчиси, муаллим, профессор дўстимни муборак етмиш ёши билан қўтайман. У улус устозлари, уларнинг ўғитларига муносиб қадам ташлапти. Ўзбекистон илм-фанини дунё миқёсига олиб чиқишга ғайрат билан саъй-ҳаракатлар қилляпти. Ўғтиздан ортқ илм-фан энтузиастини етиштириди. Улар ҳам устоз изидан садоқат билан ғайрат қамарини боғлаган, илм қутлугдир деб имон келтириб, эътиқод қилган.

“Энг қимматли нарсаси — ҳаракатчан, фаол юрак”, дейди Америка адиби Рафл Эмерсон. “Юрак — олмос”, дейди Кудрат Ҳикмат. Олмос юраклар асло толмасан.

Шукрона

Ҳар йили август ойи яқинлашар экан, ҳаёлимга энг биринчи келадиган кун — Мустақиллик байрами. Ҳаётбахш байрамни эслаш эса туғилиб ўсган қишлоғимни, болалик даврларимни кино тасмасидек кўз олдимда намоиш қила бошлайди. Негадир мен бу куннинг шуқуҳини, аҳамиятини айнан қишлоғим тибсолида тасаввур қиламан. Сабабларини эса санаб бера олармиканман?

Болалигимиз одамлар онгида собиқ тузум соғинчлигини ватан мустақиллигига бўлган ишончга айлана бориши даврига тўғри келди. Жуда яхши эслайман — ўша паллаларда қишлоғимизнинг ёши катталаридан “СССРда гу-гурт бир тийин эди, ертўраларда шакар уюлиб ётарди, фалон нарсаси текин бўларди” каби гапларни жуда кўп эшитардик. Бола бўлсам ҳам бу гаплар нолиш аломати эканини теран англардим. Бу гапларни эшитардик-да, мурғак ақлимизда ҳам таққослаш бошлангачи кетарди — у қандай замон бўлган экани, одамлар бунча мақтайди, ҳозир-чи, ҳозир қандай замон, деган саволлар ҳаёлимизда гузгон ўйнарди.

Бу саволларга кейинчалик мактабдаги ўқувчиларимиз орқали жавоб топдик. “Дунёда ўз ўрнинини топиш осон бўлмайди, ватанимизга сизларнинг ёрдамингиз керак бўлади, шунинг учун яхши ўқинглар”, деганди она тили ва адабиёт ўқитувчимиз.

Дарҳақиқат, бошида осон бўлмагани аниқ. Бир қишлоғимиз мисолида оладиган бўлсам, шу вақтга қадар одамларни иш билан таъминлаб турувчи асосий икки корхона — трактор парки ҳамда товуқ фабрикаси эди. Иккаласида қўшиб ҳисоблаганда, 200 дан ортқ қишлоқдошимиз ишлаб, рўзгор тебратиб келган. Бирок давлат тасарруфидеги бу каби корхоналар хусусийлаштириб, тадбиркорлар-

га сотилиши одамларнинг турмуш тарзига ўз таъсирини ўтказди. Корхоналарни сотиб олган тадбиркорлар уларни янада ривожлантириш ўрнига қисмларга бўлиб сотишни бошлади — шу тариқа 2-3 йил мобайнида юқорида айтганимиз 200 дан ортқ ҳамқишлоғимизнинг асосий қисми ишсиз қолган эди. Бундай ҳолат бутун мамлакатимиз бўйлаб юз берганидан бир оз улғайиб хабар топдим. Мазкур ҳолатда одамларнинг ягона кўзи етадиган чораси миграция бўлди.

Биз мигрантлар масаласини яқин-яқингача ҳатто таҳлил ҳам қилмадик, айнан шу жараён жамиятимизга туттилаётган кўзгу эканига бефарқ бўлдик, яқин йилларгача уларни қайтариш, мамлакатимизнинг ўзида иш билан таъминлаш борасида жиддий бош қотирмадик. Юқорида таъкидлаганимиздек, улар ўзи билан олиб келган тажрибаларга ҳам қизиқиб кўрмадик. Миграцияга табиий жараён эмас, “кемтик” сифатида қарашда давом этдик.

Бир китобда ўқиган эдим: “Озодлик ўзингача бора ютуқлар ва камчиликларни бара-бар тан олиш билан камол касб этади”. Биз эса бу жараёнга анча кеч етиб келдик, ишсизлик, камбағаллик ҳақида, умуман, гапирилмай қўйилган даврларни кўпчилик яхши эсласа керак.

Озод фикр куртаклари

Тарихга ҳаққоний баҳо бериш маданият учун ҳаммиса муҳим. Инсон эса табиатдан ўқиганига эмас, эшитганига кўпроқ ишонади. Худди эшитилган маълумот тасдиқланган маълумотдек туюлади. Бирок адолат тарозиси борки, қайси томон кўпроқ тош босиши айнан унда ойдинлашади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан буён халқимиз дунёқарашини анча ўсди.



Ҳар қанча камчиликларга қарамай, аксар ота-оналар фарзандлари таълимига эътибор бера бошлади — “Ўқиб олим бўлармидинг?” мазмунидеги гаплар кундалик истеъмолдан деярли чиққанига ҳаммамиз гувоҳ бўлятимиз. Ўқимли инсонларга мамлакатнинг рамзига айланади — бир аср олдин Европа жамиятида урфда бўлган мазкур тушунча бизда ҳам оммалашди. Аслида, мустақилликнинг энг тотли меваси озод фикрли, илмий жамиятдир. Чунки мустақил ва оқилол мамлакатдагина беҳавотир илм ҳосил қилинади, каттаю чикикда қизиқиш пайдо бўлади.

Дунёнинг умумий кайфиятидаги ўта но-зик нуқталар борки, уларни синчилик билан англаб олиш кишидан нейтрал таққос талаб қилади. Бир машҳур фильмда XXI асрга “кўринмас қуроолар асри” деб баҳо берилди. Дарҳақиқат, шундай. Агар дунёда сўнгги 20

йилдаги ҳудудий можаролар тарихига назар ташласак, уларнинг барчаси ахборий хуружлардан бошланганига гувоҳ бўламиз. Демак, бутунги энчи назарнинг дастлабки ва асосий нишонини айнан ахборот бўлиши лозим. Бутун кимки ахборотдан тўғри билимоланса, йўлидан оғишмайди. Озод фикр, албатта, истеъмол фаросати билан камолотга эришади.

Ижобий кайфият эҳтиёжи

Глобал тармоқлардаги марказлашув бутун дунёда, жумладан, юртимизда ҳам салбий кайфият яратувчисига айланди. Ривожланган мамлакатларда бунга қарши ягона чора ахборот майдониди миллий махсусотлар сонини ошириш деб қаралган.

Афсуски, айрим мамлакатлар ўзига нисбатан муносабатини ошириш учун “оқ пиар”дан

ҳам моҳирлик билан фойдаланаётир. Яъни контентларда факатгина мамлакатнинг ютуқлари акс этади, уларда энг майда деталларгача ниҳоятда синчковлик билан эътибор берилди. Бу эса глобал тармоқлардаги фойдаланувчиларда симпатия пайдо қилади — “параст”лар сонини оширади. Минг афсуски, ана шундай “оқ пиар”лардан ҳам ҳимоямиз ҳавас қиладиган даражада эмас. Миллийлигимиз, тарихимиз қойлиб, ғарбшавунинг қизгин тарафдорига айланиб қолганларни кўп учратамиз — айнан шулар “оқ пиар”ларнинг қурбонлари ҳисобланади.

Қани ўша ҳикоялар?

Болалигимизда 3-4 нуруний йиғилиб ўтирса, ёнига бориб олиб, суҳбатини тингладан ширини хаёллarga берилиш ҳам осон. Лекин минг ширин бўлмасин, хаёл ҳаёлигича қолаверди, унга қорин тўярмиди? Хаёл билан бўш коса тўлмас, йиртиқ чопонга ямоқ бўлмас.

Бутун меҳнатнинг замони, ким меҳнат қилса, қучоки ҳам кенгайди. Шаҳд бўлса, шижоат бўлса, меҳнатнинг оғири йўқ. Эҳ-ҳе, мустақил ватанимизни юксалтириш учун ҳали қишлоғимиз лозим бўлган қанча ишларни бори. Буниинг заҳматини ўзимиз бўйнимизга олмасак, четдан келиб ҳеч ким қилиб бермайди. Зеро, заҳматини ўзимиз чексаккина, раҳматини ҳам ўзимиз эшитамиз.

Умримиз таққосларга асосланиб қолгандек, бир танга топганда ўзимизни 2 тангаси борга таққослаб, ичимизни кемирамиз, 10 танга топсак, 100 тангалининг ҳаёт тарзи тинчимизни ўғирлайди. Қаноатнинг чегаралари қаерда қолди, қизиқ? Бир пайтлар Ҳазрати инсон деяр улугланган одам бутун

Меҳнат фаровонлик келтиради

Техника тараққиёти даврида исталган нарсани кўринишигиз мумкин, демак, ўз-ўзидан ширини хаёллarga берилиш ҳам осон. Лекин минг ширин бўлмасин, хаёл ҳаёлигича қолаверди, унга қорин тўярмиди? Хаёл билан бўш коса тўлмас, йиртиқ чопонга ямоқ бўлмас.

Бутун меҳнатнинг замони, ким меҳнат қилса, қучоки ҳам кенгайди. Шаҳд бўлса, шижоат бўлса, меҳнатнинг оғири йўқ. Эҳ-ҳе, мустақил ватанимизни юксалтириш учун ҳали қишлоғимиз лозим бўлган қанча ишларни бори. Буниинг заҳматини ўзимиз бўйнимизга олмасак, четдан келиб ҳеч ким қилиб бермайди. Зеро, заҳматини ўзимиз чексаккина, раҳматини ҳам ўзимиз эшитамиз.

Жонибек АЛИЖОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида сақлалади.
Газетанинг полиграфик жаҳатдан сифатли чоп этилишига “Колограк” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси — 236. Буюртма — 3161

41369 нусхада босилган.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.

Баҳоси келишилган нархда.

“Колограк” МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.

Босмаҳона маъноси: Ўзбекистон, 100060.

Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.

Босмаҳона телефони: (71) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Дилшод Улугмуродов
Мусахҳис: Аслиддин Абдуразақов
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилими:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй